Ўзбекистон Республикаси

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ

"AUDIT-HISOB MARKAZI"

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Манзил: Қарши шахри, 180100, И.Каримов, 212-уй. Тел. +99891-4603010, 93-5253323

Сана 25.09.2020 й.

Хисоботдан фойдаланувчиларга

"KITOB IP YIGIRUV" АЖ нинг
баланс кўрсаткичлари юзасидан
АУДИТОР ХИСОБОТИ
(2019 йил молиявий хисоботлар асосида)

1.Кириш қисми. Умумий маълумотлар.

Молиявий тахлил МЧЖ "AUDIT-HISOB MARKAZI" аудиторлик ташкилоти томонидан тайёрланди. МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» аудиторлик ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 25 декабрда 705-тартиб рақами билан рўйхатдан ўтказилган бўлиб, аудиторлик фаолияти бўйича Респ.МВ нинг 02.04.2019 й. АФ 00762-сонли лицензиясига эга.

Баланс ликвидлиги тахлили бўйича мазкур хулосани тузишда корхона нинг 2019 йил баланс, молиявий натижалар тўгрисидаги хисобот кўрсаткичларига асосланилди. Кўрсаткичлар тўғрилиги, ишончлилиги юзасидан хисоботни тайёрлаган мазкур корхона раҳбарияти жавобгар.

Корхона реквизитлари: "KITOB IP YIGIRUV" АЖ Қашқадарё вилояти, Китоб шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 161-уйда жойлашган. СТИР раками 200 694 058. Асосий фаолият коди (ХХТУТ) – 17151, фаолият тури – ишлаб чиқариш.

2.Тахлилий қисм: Баланс кўрсаткичлари тахлили.

Корхонанинг молия-хўжалик фаолият рентабеллиги, молиявий левередж, тўлов кобилияти, соф капитали молиявий хисобот кўрсаткичларини тахлил этиш орқали аникланганда куйидаги натижаларни кўрсатди:

1) Молиявий натижа, рентабеллик. Корхона 2019 йилда 3869001,0 минг сўмлик махсулот сотган, иш ва хизматлар бажарган, йилни 93718,0 минг сўм соф фойда билан якунлаган. Рентабеллик 2,42 %.

2) Баланс кўрсаткичлари, валюта киймати. Корхонанинг баланс валютаси 2019 йил 31 декабрь холатида 42712189,0 минг сўмни ташкил этган, жумладан, узок муддатли активлар (130-сатр) 6014383,0 минг сўмни, оборот активлари (390-сатр) 36697806,0 минг сўмни, ўзлик маблағлари манбалари (480-сатр) 3706438,0 минг сўмни, мажбуриятлари (770-сатр) 39005751,0 минг сўмни, жорий мажбуриятлари (600-сатр) 12791434,0 минг сўмни ташкил этган.

3) Мажбуриятларнинг активларга нисбати (левередж даражаси) корхонада 31 декабрь холатида 0,30 ни ташкил этган. Яъни, шу санада корхонанинг 30,0 фоиз активлари карз маблағлари хисобига, 70,0 фоизи ўз маблағлари хисобига молиялаштирилган. Бу мазкур соҳа учун яхши кўрсаткич.

4) Қоплаш коэффициенти **(К пл)** корхонада 2019 йил 31 декабрь холатида 2,86 ни ташкил этиб, жорий мажбуриятларни тезда коплаш имконияти меъёрий кўрсаткич (1,25) дан юқори бўлиб, корхона тўлов кобилиятига эга.

5) Корхона соф капитали 2019 йил бошида 291171,0 минг сўмни, 31 декабр холатида 3706438,0 минг сўмни, айланма маблағлари 36697806,0 минг сўмни ташкил этган.

3. Якуний қисм. Х у л о с а.

"KITOB IP YIGIRUV" АЖ нинг 2019 йил 31 декабр холатидаги баланс тахлилий кўрсаткичлари оптимал (мақбул) даражада бўлиб, 31.12.2019 й. холатида мавжуд бўлган соф капитали даражасида мажбуриятларни бажариш имконига эга, деб хисоблаймиз.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари: З.Эргашева

(аудитор мал.сертификати № 05486
Ўзб.Респ.Молия вазирлиги томонидан 09.06.2017 й.берилган)